

## АРАБ ТИЛИДА МАФЪУЛЛАР ВА УЛАРНИ ТУРЛАРГА АЖРАТИШ МАСАЛАСИ

Азизбек Исамутдинов

Ориентал университети Тиллар-1

**Аннотация:** Ушбу мақолада араб тилидаги мафъуллар тушунчаси, уларнинг лугавий ва истилоҳий маънолари, шунингдек, мафъулларнинг турларга ажратиш мезонлари ёритилган. Мафъулларнинг ҳамла, замон, макон, сон, сабаб ва бошқа семантик-грамматик хусусиятларига кўра фарқланиши илмий манбалар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳар бир турга оид мисоллар орқали араб тилида мафъулларнинг ўрни ва уларнинг нутқдаги вазифалари аниқлаштирилган. Мақола араб тили синтаксиси билан шугулланувчи тадқиқотчилар, тил ўқитувчилари ҳамда талабалар учун амалий аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** Мағъул, мағъул турлари, араб тили синтаксиси, грамматик категория, феъл, жумла тузилиши, лугавий маъно, истилоҳий маъно, мафъул биҳ, мафъул фиҳ, мафъул лаҳу.

Араб тили грамматикасида жумладаги маънони аниқ тушунишда муҳим ўрин тутадиган қоидалардан бири шаклан тушум келишигида келувчи гапнинг иккинчи даражали бўлакларидир. Ўзбек тили грамматикасида тушум келишигидаги сўзлар ҳаммиша кимни? нимани? қаерни? саволларига жавоб бўлса, араб тили грамматикасида тушум келишигидаги исмлар доимо ҳам бундай саволларга жавоб бўлмайди. Чунки, араб тилида шаклан тушум келишигида келадиган исмларнинг турлари мавжуд. Буни Маҳмуд аз-Замахшарий ўзининг “ал-Унмузаж фи-н-наҳв” китобида қуйидаги турларга бўлади:

المنصوبات علي ضربين: اصل و ملحق به. فالاصل هو المفعول و هو خمسة اضرب والملحق به سبعة اضرب

“Тушум келишигидаги исмлар икки хил бўлади: асл ва унга ўхшаш исмлар”.

а) Асл тушум келишигидаги исмлар “мафъул”лардир. Улар беш хил бўлади:

- 1) المفعول المطلق – Ёал-мафъуулу-л-мутлақу – “Мутлоқ масдар”;
- 2) المفعول به – Ёал-мафъуулу биҳи – “Воситасиз тўлдирувчи”;
- 3) المفعول فيه – Ёал-мафъуулу фийҳи – “Ўрин-пайт ҳоли”;
- 4) المفعول معه – Ёал-мафъуулу маъҳу – “Биргаликдаги тўлдирувчи”;



5) المفعول له – ʔал-мафʔуулу лаху – “Сабаб, мақсад ҳоли”<sup>83</sup>.

б) Аслга ўхшаш тушум келишигидаги исмлар эса етти хил бўлади<sup>84</sup>:

1) الحال – ал-ҳол – “Ҳолат ҳоли”;

2) التمييز – ат-тамйиз – “Чеклов”;

3) المستثنى – ал-мустасна – “Истисно”;

4) “كان” – ал-хабари фи баби “كان” (кана) бобидаги кесим;

5) “إن” – ал-исму фи баби “إن” (инна) бобидаги исм;

6) لنفي الجنس – исму “ла” линафйи-л-жинс “لا” мутлоқ инкор

юкламасидан кейин келаётган эга;

7) ليس – хабару ма ва ла бимаъна лайса “ليس” маъносида келадиган “ما” ва “لا” инкор юкламалари иштирок этган гапнинг кесими<sup>85</sup>.

Бироқ араб наҳви китобларида мафʔуллар турли кўринишда ва турли атамалар билан номланади. Масалан Басра ва Кўфа тилшунослик мактаблари вакиллари фикрларида қарама-қаршилик мавжуд.

Басра наҳвшунослари мафʔулларни бешта, яъни мафʔул биҳи, мафʔул мутлақ, мафʔул маъаху, мафʔул фийҳи ҳамда мафʔул лаху каби турларга ажратади<sup>86</sup>.

Наҳвшунослардан (Басра мактаби вакили) Сайрофий мафʔулларни олтига деб, олтинчиси сифатида “мафʔул минҳу” атамасини киритади ва бунга мисол тариқасида اخترت زيدا القوم، أي من القوم – “Қавмдан Зайдни танладим” жумласини келтиради<sup>87</sup>.

Ал-Жавҳарий эса мафʔулларнинг еттинчисини ҳам келтириб, уни “мафʔул дувнаху”, деб номлайди ва бунга наҳвшунос олимлар томонидан “мустасно” деб аталадиган قام القوم إلا زيدا – “Қавм турди, фақат Зайд турмади” жумласидаги “Зайд” сўзини мисол қилиб келтиради<sup>88</sup>.

Кўпгина наҳвшунос олимлар мафʔул биҳини қолган мафʔуллардан олдин келтиришади. Бунинг сабаби сифатида, асосан, чигаллик фоил (фёъл билан бошланадиган гапнинг эгаси) билан мафʔул биҳининг ўртасида келиб чиқишини келтирадилар<sup>89</sup>.

Кўфа наҳвшунослари эса фёълнинг фақат битта мафʔули (тўлдирувчиси) мавжуд бўлиб, бу “мафʔул биҳи”, қолганлари эса мафʔул

<sup>83</sup> Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. – Т.: ТошДШИ, 2005. – Б. 81.

<sup>84</sup> Носирова М. Ўрта аср наҳвидан намуналар. – Т.: ТошДШИ, 2004. – Б. 29.

<sup>85</sup> Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. – Т.: ТошДШИ, 2005. – Б. 81.

<sup>86</sup> العلامة ابن حمدون. كتاب حاشية العلامة ابن حمدون علي شرح المكودي لألفية ابن مالك. 1955 م. ص-147

<sup>87</sup> العلامة ابن حمدون. كتاب حاشية العلامة ابن حمدون علي شرح المكودي لألفية ابن مالك. 1955 م. ص-147

<sup>88</sup> العلامة ابن حمدون. كتاب حاشية العلامة ابن حمدون علي شرح المكودي لألفية ابن مالك. 1955 م. ص-147

<sup>89</sup> العلامة ابن حمدون. كتاب حاشية العلامة ابن حمدون علي شرح المكودي لألفية ابن مالك. 1955 م. ص-147



эмас, балки “мушаббах бил мафъул”, яъни мафъулга ўхшашдир, деган фикрни илгари суришади<sup>90</sup>.

Нахвшунослардан Ибн Сирож эса мафъулларнинг биринчиси сифатида мафъул мутлакни қўяди<sup>91</sup>.

Ибн Яъиш ҳам мафъул мутлақ ҳақиқий мафъул, чунки масдар (ҳаракат номи)ни фоил (бажарувчи) йўқликдан борликка, яъни вужудга келтиради. Шунинг учун феъл ўтимли ёки ўтимсиз бўлишидан қатъи назар ҳақиқий мафъул шудир. Масалан: قام زيدٌ قِيَامًا – “Зайдни (аниқ) урдим”, ضربتُ زيدًا ضَرْبًا – “Зайд (мутлак) турди” каби. Қолган мафъулларда бундай хусусият йўқ, дейди<sup>92</sup>.

Араб нахвшунослардан Аҳмад Қаббиш мафъул биҳи тўғрисида куйидагиларни келтиради:

1. المفعول به اسم دل علي شيء وقع عليه فعل الفاعل و لم تغير لأجله صورة الفعل.
2. عدده: 1. فعل ينصب مفعولا به واحدا مثل كسرت القلم.
2. فعل ينصب مفعولين به مثل ظننت الأمر سهلا. 3. فعل ينصب ثلاثة مفعولات مثل أعلمت التلاميذ الدرس سهلا.

3. أنواعه: ا- اسم: فتح صلاح الدين القدس.

ب: ضمير: أكرمته

ج: جملة: ظننتك تجتهد.

منصوب علي نزع الخافض: و هو الفعل اللازم الذي ينصب مفعولا به بنزع حرف الجر منه: تمرن بالديار - تمرن الديار

شبيه بالمفعول به: الصفة المشبهة اللازمة لا تنصب مفعولا به في الأصل و لكنها تنصب تشبها بالمفعول به مثل علي حسن الخلق. مع العلم أنه يجوز في الاسم بعدها أيضا الرفع علي أنه فاعل لها و الجر علي أنه مضاف إليه و النصب علي أنه تمييز نحو علي حسن خلقه، علي حسن الخلق، حسن خلقاً<sup>93</sup>.

Таржимаси: Мафъул биҳи шундай исмки, бажарувчининг иш-ҳаракати ўша нарсанинг устида рўй беради. Иш-ҳаракатни англатиб келган феъл эса аниқ нисбатда келади. Сони (мафъул биҳининг сони): 1. Битта мафъул биҳининг келишини талаб қиладиган феъл. Масалан: كسرت القلم – Қаламни синдирдим.

2. Иккита мафъул биҳининг келишини талаб қиладиган феъл. Масалан: ظننت الأمر سهلا – Ишни осон деб ўйлабман.

3. Учта мафъул биҳининг келишини талаб қиладиган феъл. Масалан: أعلمت التلاميذ الدرس سهلا.

- Ўқувчиларга дарснинг осон эканлигини билдирдим.

3. Турлари: а) Исм: فتح صلاح الدين القدس – Салоҳиддин Қуддусни фатҳ қилди.

В) Олмош: أكرمته – Уни ҳурмат қилдим.

С) Жумла: ظننتك تجتهد – Сени тиришқоқ деб ўйладим.

<sup>90</sup> الشيخ الهمام خالد بن عبد الله الأزهرى علي ألفية ابن مالك في النحو. القاهرة. 1954م. ص-323

<sup>91</sup> أبو بكر مهدي بن سهل بن سراج. الأصول في النحو. 1996. بيروت. ص-159

<sup>92</sup> ابن يعيش موفّق الدين أبي البقاء يعيش بن علي بن يعيش الموصلّي. كتاب شرح المفصل. بيروت. 2001. ص-272

<sup>93</sup> أحمد قيش: الكامل في الحو و ال صرف و الإعراب. بيروت: دار البجبل: 1974. ص-108



Шунингдек, предлог олиб ташланганлик сабабли тушум келишигида келади. Бунда ўтимсиз феъл ўзидан кейинги сўзни предлог олиб ташланганлик сабабли тушум келишигида келишини талаб қилади. Масалан: تمرّون بالديار - تمرّون الديار – Диёрдан (юртдан) ўтасизлар.

Шабиҳун би-л-мафъул биҳи, яъни мафъулга ўхшаш. Бунда аслида мафъул биҳи талаб қилмайдиган ўтимсиз маънодаги сифат келади.

Мана шу сифат сабабли ҳам ундан кейинги исм тушум келишигида мафъул биҳига ўхшаб туради. Масалан: علي حسن الخلق – Али чиройли хулқлидир. Айни пайтда бу сифатдан кейин келаётган исмни унинг эгаси сифатида бош келишикда келтириш ҳам мумкин. Музоф илайҳи сифатида қаратқич келишигида, тамйиз сифатида тушум келишигида келтириш ҳам мумкин. Масалан:

علي حسن خلقه، علي حسن الخلق، حسن خلقاً

Ҳижрий 8 асрнинг буюк наҳвшунос олими ҳисобланган Абу Муҳаммад Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Ҳишом ал-Ансорий ўзининг شذور الذهب асарини шарҳлар экан қуйидагиларни келтириб ўтади:

باب المنصوبات خمسة عشر: أحدها المفعول به. و هو ما وقع عليه فعل الفاعل، كضربت زيداً<sup>94</sup> – Мансуботлар (яъни тушум келишигидаги исмлар) ўн бешта бўлиб, уларнинг бири мафхул биҳидир. Мафъул биҳи бажаручининг иш-ҳаракати ниманинг устида рўй берган бўлса, ўша нарсани билдирган сўздир. Муаллиф мафъул биҳига берилган таърифни шарҳлаб қуйидагиларни келтиради:

و خرج بقولنا "ما وقع عليه" المفعول المطلق، فإنه نفس الفعل الواقع، و الطرف، فإن الفعل يقع فيه، و المفعول له، فإن الفعل يقع لأجله، و المفعول معه، فإن الفعل يقع معه لا عليه<sup>95</sup>.

Таърифдаги "ما وقع عليه" иборасидан келиб чиқадиган маъно шуки, мафъул мутлақ бу рўй берадиган иш –ҳаракатнинг ўзи, зарф эса, иш-ҳаракатнинг рўй бериш жойини билдиради. Мафъул лаҳуда эса иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабаби кўрсатилади. Мафъул маъаҳуда эса, иш-ҳаракат у билан бирга рўй беради. Унинг устида эмас.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Араб наҳвшунослари мафъул биҳини нима эканлигини, асосан, унинг таърифида кўрсатиб ўтишмоқда.

Олим маълумотлар қаторида мафъул биҳига ўхшаган яна бир ҳолатни келтириб ўтишади. Бу "المُشَبَّهُ بِالْمَفْعُولِ بِهِ", яъни мафъул биҳига ўхшаш (лафз), яъни гап бўлагидир. Бу қуйидагича келтирилган:

المُشَبَّهُ بِالْمَفْعُولِ بِهِ

إن كان معمولُ الصفة المُشَبَّهة معرفةً، فحَقُّه الرفعُ، لأنه فاعلٌ لها، نحو "عليٌّ حسنٌ خُلُقُهُ". "غيرَ أنهم إذا قصدوا المبالغةَ حَوَّلوا الإسنادَ عن فاعلها إلى ضميرٍ يستتِرُ فيها يعود إلى ما قبلها، ونصبوا ما كان فاعلاً، تشبيهاً

<sup>94</sup> ابن هشام الأنصاري. شرح شذور الذهب. إسطنبول. 2022. ص-238  
<sup>95</sup> ابن هشام الأنصاري. شرح شذور الذهب. إسطنبول. 2022. ص-238



له بالمفعول به، فقالوا "علي حَسَنٌ خُلِقَ، بنصبِ الخُلُقِ على التَّشْبِيهِ بالمفعول به، وليس مفعولاً به، لأنَّ الصِّفَةَ المشبَّهة قاصرةٌ غيرُ متعدية، ولا تميِّزاً، لأنه معرفةٌ بالإضافة إلى الضمير. والتميُّز لا يكون إلا نكرةً.

Агар сифат (сифати мушаббаҳа)нинг таъсирида келаётган сўз (яъни معمول) аниқ ҳолатда бўлса, у ҳолда бу сўз бош келишиқда бўлади. Чунки бу сўз бундай ҳолатда сифатнинг фоилидир. Масалан: **علي حَسَنٌ خُلِقَ** – Алининг хулқи чиройлидир. Бироқ муболаға қилиб гапириш исталса, сифатни ўзидан олдин турган эгага кесим қилиб, сифатнинг фоили бўлиб турган сўзни мафъул бихига ўхшатиб (шаклан) тушум келишигида келтирилади. Масалан: **علي حَسَنٌ خُلِقَ** - Алининг хулқи жуда чиройли. Бироқ бу сўз мафъул бихи эмас. Чунки сифати мушаббаҳа (сифат) ўтимли эмас, балки ўтимсиз бўлади. Бу тамйиз ҳам эмас. Чунки бу бириқувчи олмош билан аниқ ҳолатда турибди. Тамйиз эса ноаниқ ҳолатда туради.<sup>96</sup>

Наҳвшуносларнинг мафъулларни турларга ажратишда, уларнинг қай бирини ҳақиқий мафъул эканлигини аниқлашда ва бу борадаги фикрларнинг турлича бўлишида, асосан, иккита жиҳат муҳим роль ўйнайди:

1) мафъулларнинг қай бири реал воқелиқда субъект тарафидан амалга оширилгани;

2) мафъулларнинг феъл билан нақадар боғлиқлиги.

Бу масалага ойдинлик киритиш мафъулларнинг ҳар бирини алоҳида, бирма-бир кўриб чиқишлиқни тақазо қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. – Т.: ТошДШИ, 2005.

2. Носирова М. Ўрта аср наҳвидан намуналар. – Т.: ТошДШИ, 2004

3. العلامة ابن حمدون. كتاب حاشية العلامة ابن حمدون علي شرح المكودي لألفية ابن مالك. 1955 م

4. الشيخ الهمام خالد بن عبد الله الأزهرى علي ألفية ابن مالك في النحو. القاهرة. 1954 م

5. أبو بكر مھمد بن سهل بن سراج. الأصول في النحو. 1996. بيروت

6. ابن يعش موقّق الدين أبي البقاء يعش بن علي بن يعش الموصلي. كتاب شرح المفصل. بيروت. 2001

7. أحمد قبش: الكامل في النحو و ال صرف و الإعراب. بيروت: دار البحيل: 1974

8. ابن هشام الأنصاري. شرح شنور الذهب. إسطنبول. 2022

9. الشيخ مصطفى غلابيني جامع الدروس العربية. مصر. 2007

<sup>96</sup> الشيخ مصطفى غلابيني جامع الدروس العربية. مصر. 2007. ص. 400